Z. Islamov

The translation of multi-lingual sources: authenticity and peculiarity

The article tells about the traditions of compiling dictionaries in the East, which takes root into ancient times, as well as their methods, requirements and features on the example of the work “Mukaddamat al-adab” by Mahmud Zamakhshari. Also, certain moments of N.Poppe's book "Mukaddimat al-adab" - the mongolian dictionary" were analyzed, in which the researcher translated the Uzbek-Mongolian dictionary of this work. It was proved that in the translation of N.Poppe there are changes in the sense of Arabic terms, as the author did not compare them with the Arabic-Persian dictionary during the compilation of the Uzbek-Mongolian dictionary.

Key words: *Mahmud Zamakhshari, Mukaddamat al-adab, Nicolas Poppe, duolinguistic dictionary, trilingual dictionary, four-language – Arabic-Persian-Turkish-Mongolian dictionary, manuscript, original, translation.*

Ж. Жўраев

Ўзбек адабиётида муаммо жанрига муносабат

Бир қатор Шарқ халқлари адабиётида бўлгани сингари ўзбек адабиётида ҳам муаммо жанри алоҳида ўрин тутади. XV асрдан XX асрнинг учинчи чорагига қадар бўлган ўзбек шеърияти вакилларининг ижодида муаммо жанридаги шеърларнинг турли хил кўринишлари учрайди. Бу кўринишлар муаммо жанрининг ўзбек адабиётида қатъийлашиши, хусусиятлари ва адабий жараёнлардаги фаоллиги каби жиҳатларини белгилашда аҳамиятли. Шунингдек, турли даврларда муаммо жанрида шеър ёзган шоирларнинг ижодий меросини ўрганиш муаммо жанрига хос анъаналарнинг ўзбек адабиётида ҳам ўрин олишидаги ролини кўрсатишда муҳим.

Ўзбек адабиётида Алишер Навоийгача муаммо жанрида шеър битган шоир номи учрамаса-да, муаммонинг хусусиятларини ижодкорлар яхши билганлар. Ушбу тўғридаги Э.Рустамов ва Қ.Каримовларнинг хулосалари эътиборли. Э.Рустамов Алишер Навоийгача ҳам ўзбек шоирлари муаммо жанридан хабардор бўлганликларини Атоий шеърияти мисолида далиллайди [16: 82].

Қ. Каримов эса Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асаридаги муаммо жанрига хос унсурларни изоҳлаган [23: 13].

Саккокий шеъриятида ҳам муаммо термини қўлланган. Шоир муаммо терминини қўллаш билан бирга, унинг хусусиятларини ҳам маълум даражада баён қилиб ўтган [28: 158, 192, 230].

Алишер Навоийга қадар ўзбек адабиёти вакилларининг муаммо жанри билан таниш бўлганини Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Хоразмийнинг:

Ҳофиз, давоми давлатингга дол зулфидур,
Айни саодат эрур, агар чиқса ҳарфи дол.

байти билан Навоийнинг ”Саъд” номига ёзилган муаммосига ўхшаш жиҳатларга эга:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, яхшилик била чиқса от [18: 17–19].

Ҳофиз Хоразмий байти муаммо бўлмай, балки унда фақат муаммо жанрининг унсурлари учрайди.

Ҳайдар Хоразмий “Гулшан ал-асрор” маснавийсининг “Сўз таърифининг баёни” фаслидаги таърифлардан муаллифнинг муаммо жанрининг хусусиятларидан хабардорлиги билинади [10: 50–51].

Мазкур фаслда Ҳайдар Хоразмий таърифни ниҳоясига етказиб айтган сўзларидан “ганж” топиш кераклиги, уларнинг “мерос”и, яъни айтилган сўзлардан мисралардаги имо-ишоралар орқали бошқа сўзни топиш мумкинлиги таъкидланган[1].

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фунун ал-балоға”си ўрта асрларда адабиётшуносликка оид ўзбек тилда ёзилган энг қимматли асардир. Асар беш қисмдан иборат бўлиб, бешинчи қисм муаммо жанрининг баёнига бағишланган. Лекин қўлёзмасида ана шу қисм тушиб қолган [24: 19–26]. Аммо асарда муаммо жанри учун алоҳида фаслнинг бўлгани Шайх Аҳмаднинг бу соҳада юксак билимга эгалигилигидан гувоҳлик беради.

Алишер Навоийнинг 54 та муаммо жанрида ёзган шеъри маълум[2]. Уларда бошқа жанрдаги шеърларида бўлгани каби ишқ-муҳаббат, инсоний комилликнинг йўллари каби мавзулар ёритилган. Шунингдек, шоирнинг достонлари таркибида ҳам жанр талабларига амал қилинган ҳолда битилган муаммо шеърлар учрайди [11: 138–175].

[1] Навоийнинг “Ҳайрат ал–аброр”ида ҳам “Гулшан ал–асрор”даги шу фасл таъсирида яратилган мисралар мавжуд.

[2] Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлики, Навоийгача девон тартиб берган туркийгўй шоирларнинг девонига муаммо жанридаги шеърлар киритилмаган. У туркий адабиётда биринчи бўлиб муаммо жанридаги шеърларни девон таркибига киритиш анъанасини бошлаб берган.

Буюк шоир яшаган даврда муаммо жанри кенг оммалашгани боис, фақат шу жанрда қалам тебратувчи ижодкорлар кўпайди. Муаммо шеърлар баҳсига бағишланган махсус кечалар ташкил қилиниб, шоирларнинг шеърий иқтидори муаммо жанрини қай даражада билиши билан белгилана бошлади [3: 216]. Ана шундай омилларга кўра у “Мажолис ан-нафоис”да илк бор тазкиранависликда салафларидан фарқли тарзда муаммо жанрида ижод қилган шоирлар фаолиятига атрофлича тўхталган [1: 8–9].

Ҳазрат Навоийгача яратилган муаммо рисолаларининг баён услуби ва келтирилган мисоллар мураккаб йўлларга асосланган. Шу сабабли улардан ўқувчиларнинг фойдаланиши бирмунча қийин бўлган. Навоийнинг “Муфрадот” асари бир қоидага кўрсатилган мисол иккинчи қоидага алоқадор бўлмай, фақат ўша қоида асосида ечими ҳосил қилишга қаратилганлиги, қоидаларнинг содда тарзда тушунтирилганлиги билан олдин ёзилган муаммо рисолаларидан фарқ қилади [2: 393].

Алишер Навоийдан кейин ўзбек адабиётида муаммо жанрида ижод қилган шоирлардан бири Муҳаммад Шайбонийхондир. Шайбонийхон девонига 46 та муаммо жанридаги шеър кирган [20: 187а–192а]. Шайбонийхоннинг муаммо жанридаги шеърлари хусусида Али Фуат Билкан маълумот берган. Олим Шайбонийхоннинг 44 та туркий тилдаги муаммоси бор деб, улардан (“Анқо”, “Булбул”, “Гул”, “Зулф”) тўрттасини мисол тариқасида кўрсатган [26: 61, 130].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 54 та ўзбек тилида ёзган муаммоси маълум [6: 177–182]. Мазкур муаммолар жанр талабига мослиги ва бадиий баркамоллиги билан эътиборга молик. Булардан ташқари, Бобур “Бобурнома”да бир нечта муаммо жанрига бағишлаб рисола ёзган муаллифлар хусусида маълумот бера туриб, уларнинг асарларининг турдош рисолалардан фарқи ва афзалликлари юзасидан ўз қарашларидин билдириб ўтган [7: 63–67]. Шунингдек, Шиҳобиддин Муаммоий ва Муҳаммад Бадахший каби муаммонавис шоирлар Бобурнинг яқин суҳбатдошлари бўлиш билан биргаликда, унинг хоҳиш-истакларига кўра муаммо рисоласи битганлари ҳам муҳим.

Убайдуллохон Убайдий ҳам муаммо жанрида ижод қилган. Шу билан бирга хон ҳазратлари муаммо шеърларда исм кўрсатилмаса ҳам исмни чиқара оладиган даражада иқтидорга эга бўлган. Айни чоғда хон ҳазратлари иштирокида бўладиган олий мажлисларда муаммо шеърларни айтиш ва ечиш баҳсларига ҳам алоҳида аҳамият берилган [3: 48–49].

Убайдийнинг ўзбек тилидаги девонида саккизта муаммо шеър бор. Улар оз миқдорда бўлса ҳам ўзига хос жиҳатларга эга. Чунончи, муаммолар алифбо тартибига амал қилинмаган ҳолда жойлаштирилган. Одатда барча муаммо шеърларда исм “Аҳмад” исмига муаммо”,

“Муҳаммад” исмига муаммо” тарзида кўрсатилади. Убайдий девонидаги “Маҳдий” номига ёзилган биринчи муаммо “معما مهدی اسمدا علیه الرحمه”, “Бу Бакр” номига ёзилган иккинчи муаммо “معما بو بکر اسمیدا نور مرقده” шаклида берилган [19: 343б–344а].

XIX аср ўзбек адабиёти тарихида муаммонавислик анъаналарини давом эттирган Шермуҳаммад Мунис ва унинг иниси Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийларнинг шеърлари эътиборли. Мунисниng 68 та, Огаҳийнинг 80 та муаммо жанрида битган шеърлари маълум. Мунис муаммолари алифбо тартибига амал қилган ҳолда жойлаштирилмаган [12: 48; 14: 23].

Огаҳий муаммолари ҳам худди шундай тартибга эга бўлса-да, Навоий, Бобур ва Мунис муаммоларида учрамайдиган жиҳатларга, ўзига хос кетма-кетлик ва мазмунга эга. Муаммолар Тангрига ҳамд тарзида “Аллоҳ” номига 5 та, кейин унинг раҳмли ва меҳрибонлигини улуғловчи “Раҳмон” номига 1 та, “Раҳим” номига 2 та, Муҳаммад пайғамбар номига айтилган 1 та муммо билан бошланади. Ундан кейин эса ўз даври шоҳига бағишлаб “Муҳаммад”, “Раҳим”, “баҳодир”, “Хон”, “Халлада”, “Мулкаҳу”, “Абадан” номларига муаммолар айтилиб, муаммоларни гўё Аллоҳдан Муҳаммад Раҳимхон давлатига абадийлик тилагандек, “Омин” сўзига айтиш билан давом эттирган. Мазкур муаммолардан сўнг турли номларга айтилган муаммолар келади.

Хивалик шоир Сайид Ҳомид тўра Комёб (1862–1930) шеъриятида 14 та муаммо жанридаги шеър мавжуд [9: 134]. Комёбнинг жияни Султонийнинг эса мазкур жанрдаги иккита шеъри бор [24].

Муҳаммадқул Муҳаммад Расул ўғли Муҳаййир (1842–1918) шеъриятда учта муаммо шеър учрайди [14; 27].

Комёб ва Султонийлар шеърларида муаммо жанрига хос имо-ишораларни бера олиш билан биргаликда ишқ-муҳаббат, одоб-ахлоқ каби мавзуларнинг акс эттирилишига аҳамият берганлар. Муҳаййирнинг муаммо шеърларида асосий эътибор исмни чиқариш учун қўлланадиган имо-ишоларга қаратилган.

XX асрда ўзбек мумтоз адабиёти тарихида муаммонавислик анъаналарини давом эттирган ижодкорлардан бири Абдулла Абдурраҳмон ўғли Гулшанийдир (1898–1978) [15: 47; 5: 124–127].

Гулшаний муаммолари “Муаммоёт” ва “Тўй ва тўёна” қўлёзмалари таркибида жамланган. У муаммоларини ўзбек ва тожик тилида ёзган. “Муаммоёт” қўлёзмасига шоир қаламига мансуб 44 та муаммо шеър кирган.

Гулшанийнинг ишқ-муҳаббат ва вафони куйловчи “Тўй ва тўёна” достони ҳам муҳим адабий воқеа ҳисобланади. Достон шоирнинг набираси Муроджон ва унинг севгилиси Меҳринисоларга бағишланган. 33 байтдан

иборат маснавийда битилган достоннинг ҳар бир мисрасига икки севишган ёшдан бирининг исми яширилган.

Ғафур Ғулом (1903–1966) замонавий ўзбек назми ва насрининг ривожига ўзига хос ҳисса қўшган адиб сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга адиб мумтоз адабиётнинг бир қатор жанрларида ҳам қалам тебратган. Жумладан, ижодкорнинг ғазал ва мухаммаслари кўпчиликка яхши маълум. Ғафур Ғулом архивидаги араб ёзувидаги қўлёзмаларни тавсифлаш жараёнида унинг муаммо жанрида ёзган шеърларига дуч келдик. Шеърлар шоир архиви 31 йиғма жилддаги 23 тартиб рақамли ҳужжатда учрайди [8: 36–37].

Муаммолар ўзбек ва тожик тилларида. Жами 9 та. Улардан биттаси кимнинг номига ёзилганлиги кўрсатилмаган. Номлари кўрсатилган муаммолар қуйидагилар: “Бокий”, “Чустий”, “Ҳабибий”, “Сайфий”, “Собир”, “Туроб”, “Ошқабоқ” ва “Рошидон”.

Ғафур Ғулом муаммо шеърларни ёзишда тўлиқ жанр қоидасига амал қилган. Чунончи, ҳар бир муаммо шеърда кимнинг исми яширилганлиги алоҳида ажратиб кўрсатилган. Юқорида қайд қилганимиздек, биргина муаммода исм кўрсатилмаган. Бунга сабаб шеър шоир билан таниш ва муаммо жанридан яхши хабардор кишига юборилган. Шеър муаммо жанри қоидаларидан яхши хабардор бўлган кишига юборилганлиги сабабли, унда исм кўрсатилмаса ҳам учинчи мисрада “Исмингизни топиб олинг ҳазрат” деган ишора бор. Бу шеър муаммо жанрида ёзилган эканлигини ва ундан олувчи шахснинг номи чиқишини англатади.

Муҳаммад Расул Зубайдуллахўжа ўғли Ножий (1895–1989) ҳам муаммо жанрида шеър ёзишга ҳаракат қилган. Унинг “Девон”ида “Ҳасан” номига битилган битта муаммо бор. Ножийнинг шеърида муаммога хос тарзда яширилган исм кўрсатилган. Лекин унинг баъзи жиҳатлари жанр талабларига мос келмайди. Хусусан, яширилган исмнинг қандай топилиши қуйидагича очиқ кўрсатилган:

Ҳасан, яъни “ҳо” яна “син”у “нун”,
Бу уч ҳарф ила топти таркиб чун.

Ки ҳар ҳарфидин етти юз олтмиш,
Чиқур фаҳм ила зоҳир ўлғай эмиш.

Агар билсанг абжад ҳисобини хўб,
Чиқар ҳосил маъни осон бўлуб [23: 147].

Шарафиддин Али Яздийнинг эътирофича, бирор шеърда муаммо жанри талабидагидек исм кўрсатилса-ю, лекин имо-ишоралар қуйида

“Аҳмад” исми чиқадиган шеърдагидек очиқчасига айтилган бўлса, бундай шеърни муаммо деб бўлмайди:

Ду зулфу даҳон, номи у чун қаду,
Алифу ҳо ва миму доли дони [21: 148б].

Мазмуни:

Икки зулфу оғиз, чун унинг номи қаду,
Алифу ҳо ва миму дол эканини биласанми.

Кўриниб турганидек, нозим “Аҳмад” исми ҳарфларини очиқчасига айтиб қўяқолган. Шеърда муаммо жанридаги амалларга хос рамзийлик, турли хил ишоралар кўринмайди.

Шеър муаммо деб ҳисобланиши учун яширилган исм кўрсатилган бўлиши талаб қилинади. Ундан ташқари яширилган исмни топишга қаратилган имо-ишора сўзлар “Шиҳоб” номи чиқадиган ушбу муаммодагидек бўлиши талаб қилинади:

Аз пасу пиш шину бо гуфтам,
Ғайни би айну дол шуд бар ном [21: 149а; 17: 46б–47а].

Мазмуни:

Олдидан ва кетидан шин ва бо дедим,
Айнсиз ғайн номга далил бўлди.

Булардан маълум бўлишича, муаммо шеърда исм кўрсатилиши биринчи зарурат ҳисобланади. Лекин кўрсатилган исмнинг чиқарилиши келтирган мисолдагидек очиқчасига баён қилинмаслиги керак. Шу боис Ножийнинг шеърини муаммо шеър ёзиш йўлидаги тажриба дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, XV асрдан XX асрнинг иккинчи ярмигача яшаб ижод қилган ўзбек ижодкорлари муаммо жанрининг хусусиятларидан хабардор бўлганлар ва ушбу жанрда ижод қилишга интилганлар. Юсуф Хос Ҳожиб, Атоий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий ва Ҳайдар Хоразмий каби қаламкашларнинг ижодида муаммо жанри унсурларидан ташқари муаммо жанри хусусиятларига оид қайдлар ҳам учрайди.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг ўзбек тилида ёзган муаммо жанридаги шеърлари мавзу мундарижаси ва юксак бадиияти билан фарқланади.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фунун ал-балоға”си муаллиф билимини намоён қилиш баробарида ўша даврда туркий тилда муаммо жанри тўғрисида маълумот берувчи манбага эҳтиёжнинг бўлганлигини кўрсатувчи далилдир.

Шайбонийхон, Убайдий, Мунис, Огаҳий, Комёб, Султоний, Муҳаййир, Гулшаний, Ғафур Ғулом ва Муҳаммад Расул Ножий сингари ижодкорлар бошқа халқлар адабиётида мавжуд бўлган муаммо жанрига хос

жиҳатларни ўзбек адабиётида шаклланиши ва жанрнинг адабий жараёнлардаги давомийлигини таъминлашда муҳим рол ўйнаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Муаммо жанридаги туркийгўй халафи / Нашрга тайёрловчи Ж.Жўраев. Тошкент, 2009.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами / Нашрга тайёрловчи: С.Рафиддинов. Т. 20. Тошкент, 2003.
3. Восифий Зайниддин Маҳмуд. Бадоеъ ул-вақоеъ /Форс тилидан Наим Норқулов таржима қилган. Тошкент, 1979.
4. Воҳидов Ш., Эркинов А. Шаҳрисабз 2700: минг йиллар мероси. Шаҳрисабз шоир ва хаттотлари. Тошкент, 2002. Б. 124–127.
5. Воҳидов Ш., Эркинов А. Шоирлар юрти. ЎзАС. 2002, 2 ноябр, № 45 (3678);
6. Жўраев Ж. Бобур асарларидаги муаммолар // Жиззах давлат педагогика институти. Навоий ва Бобурга бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. Жиззах, 2013. Б. 177–182.
7. Жўраев Ж. Бобур муаммоларининг бадиияти // Илм сарчашмалари. 2013 йил № 7. Б. 63–67.
8. Жўраев Ж. Ғафур Ғуломнинг муаммо жанридаги шеърлари //Тил ва адабиёт таълими. 2014. № 7. Б. 36–37.
9. Жўраев Ж.А. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқиқи. / Филол. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2012.
10. Жўраев О. Алишер Навоийнинг эпик поэзиядаги туркийгўй салафи. Тошкент, 1990.
11. Зоҳидов Л. Алишер Навоийнинг муаммолари ва “Рисолаи муфрадот” асари / Филол. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 1970.
12. Мадина Ҳабибулла қизи. Зеҳн зийнати. Хоразм, 1998.
13. Матякубова М.Ҳ. Огаҳий ижодида кичик шеърий жанрлар / Филол. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2000.
14. Муҳаййир. Девон. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди қўлёзмаси. инв. № 241.
15. Муҳаммад Н. Насаф ва Кеш алломалари. Тошкент, 2001.
16. Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. Москва, 1963.
17. Сайфий Бухорий. Рисолаи муаммо. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 12146/IV.
18. Сулаймонов М. Оразин ёпқоч... // Адабиёт кўзгуси. № 5. Б. 17–19.

19. Убайдуллахон Убайдий. Девон. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931.
20. Шайбонийхон. Девон. Истанбул. Тўпқопи саройи кутубхонаси қўлёзмаси. Инв № 2436.
21. Шарафиддин Али Яздий. Ҳулали мутарраз дар фани муаммо ва луғаз. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв.№ 8311.
22. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутудғу билиг/Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. Тошкент, 1972.
23. Қори Муҳаммадрасул Ножий. Девон / Нашрга тайёрловчи: П.М.Зубайдуллаев. Тошкент, 2014.
24. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. Тошкент, 1996.
25. Ҳафт шаҳзода. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. Тошбосма. инв. №36.
26. Ali Fuat Bilkan. Tьrk Edabiyatinda mu'ammв. Ankara, 2000.
27. http://ziyouz.uz/adabiyot/mumtoz/muha-ir-1842-1918.
28. Mevlвna Sekkвko Duvani. Hazirlayan Kemal Erarslan. Ankara, 1999.

Ж. Жўраев

Ўзбек адабиётида муаммо жанрига муносабат

Мақолада *муаммо* жанрининг XV–XX асрлар ўзбек ижодкорлари шеъриятидаги ўрни ҳақида сўз боради. Шунингдек, мазкур даврларда яшаган шоирларнинг *муаммо* жанридаги асарларининг хусусияти, мавзу кўлами ва бадиияти юзасидан хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: *ўзбек адабиёти, муаммо жанри, муаммо жанри унсурлари, адабий жараён.*

Дж. Джураев

Отношение к жанру муаммо в узбекской литературе

В статье речь идет о месте жанра *муаммо* в поэзии узбекских поэтов XV–XX вв., а также сделаны выводы об особенностях, тематике и поэтичности стихов в жанре *муаммо* к поэтов проживших в вышеуказанный период.

Ключевые слова: *узбекская литература, жанр муамма, черты жанра муамма, литературное течение.*

J. Juraev

Attitude to the genre "Muammo" in the Uzbek literature

In the article we are talking about a place in the poetry genre "Muammo" by Uzbek poets 15^{th}–20^{th} centuries. As well as conclusions on the particular themes and of poetic verses in the genre muammo poets lived in the above mentioned period.

Key words: *Uzbek literature, a genre "Muammo", "Muammo" features of the genre, a literary trend.*

М. Эшмуҳамедова

Машҳур аёллар тарихи ўрин олган "Машҳур хотунлар" тазкираси ҳақида

Тазкиралар ҳақида сўз кетганда улардаги маълумотлар асосан эркаклар фаолиятига, ижодига бағишланганлигининг гувоҳимиз. Аёллар ҳақида маълумот берадиган бундай асарлар кўп эмас. Ана шундай асарлардан бири Ризоуддин ибн Фахриддин қаламига мансуб бўлиб, "Машҳур хотунлар" деб номланган. Бу асар тазкира шаклида ёзилган бўлиб, XIX асрда Оренбургда чоп этилган.

Ўз ичига катта бир даврни қамраб олган "Машҳур хотунлар" асарида мусулмон Шарқида яшаб фаолият олиб борган 550 дан ортиқ аёл ҳақида маълумот берилади. Бу аёллар араб, форс ва турк дунёсида яшаб, ижод қилганлар ҳамда фаолият олиб борганлар. Булар ичида жоҳилия даврида яшаб ижод этган шоиралар бор (зеро, жоҳилия даври араб шеърияти юксак мақомни эгаллаганлиги тарихдан маълум). Саодат асрида яшаб ижод этган шоиралардан тортиб то XX асргача яшаб ўтган ижодкор аёллар ҳақида маълумот берилган.

"Машҳур хотунлар" асарини тазкира деб атайдиган бўлсак, бу тазкирадан фақат ижодкор аёллар фаолиятигина эмас, балки

- пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари;
- у кишининг аёллари;
- аммалари;
- муҳаддисалар;
- мусаннидалар;
- шайхалар;